

Жанг олдидан у ибодат қилади



10:00 / 07.08.2022 2164

Тина Раҳимий ўтган ҳафта Англиянинг Бирмингем шаҳрида бошланган Ҳамдўстлик ўйинларида Австралия шарафини ҳимоя қилган биринчи мусулмон аёл боксчи бўлгач, жамоатчилик эътиборини тортди.

26 ёшли ҳижобли спортчи биринчи жангидан тўрт йил ўтиб Австралия бокс терма жамоасига чақирилган. Маълумки, Тина профессионал бокс билан фақат сўнгги бир неча йил ичида шуғуллана бошлаган ва аввал визажист бўлиб ишлаган.

Тина жума куни эрталаб 57 кг вазн тоифасида рингга кўтарилди.

Австралияда туғилган ва эронлик мусулмон бўлган Тина одатда узун енг, шим ва ҳижобда чиқиш қилади. Унинг айтишича, имон унинг ҳаётининг ажралмас қисмидир.

Аксарият боксчилар жанг олдидан мусиқа тинглашса, у ибодат қилади.

Манба: azon.uz